

Болаларга ўқув, ёзув билдирмак учун усули савтиянинг осонлиги неча йиллик тажрибалар ила маълум ўлдигиндан жумла ислом вилоятларининг макотиб ва мадрасалари бу усул ила тазйин ва ислох этдиклари каби 1319—1320 (милодий 1902—1903) йилларда бизнинг Туркистон вилоятининг ҳам кўп муаллимлари бу усулни ўз орзу ва ихтиёрлари ила қабул этиб, мактабларда бу усул ила таълим бермакка бошламишлар эди. Локин, таассуфки, гайратлик муаллимларимизнинг ҳаракатлари узокка бормади. Тездан бу усулни тарк этиб, эски усулларини фойдалиқ топиб, анга ружуъ этдилар. Бунга сабаб на ўлди? Жумла макотиби исломияга ярагон усули савтия Туркистон мактабларина ярамадими? Хайр, афандиларим, албатта, яради эди. Балки бу усулнинг воситаси ила ханузгача Туркистон мусулмонлари хийли тараккий топар эдилар.

Муаллимларнинг бу ружуъларина сабаб аввало усули савтиянинг надан иборат эконин билмаганлари, сониян Туркистон шеваи туркияси ила тартиб этилмиш усули жадида китобчаларина молик ўлмагонлари ўлди. Модомики, бу сабаблар мавжуд экан, муаллим афандиларимиз ружуъларида ҳақли эдилар. Чунки ул вақтларда Туркистон мусулмонларининг гумонларича, усули савтия ёлғиз Иброҳим Ҳақкийнинг «Ақоид» манзумаси ила «Ўқу Куръон яхшилаб» мисрасини кўп зикр этган тоторча бир тажвид манзумадан иборат ўлуб, ҳамма мактабларда, ҳатто кўчаларда турлук савтлар ила ул икки рисолаи ўқита бошламишлар эди. Ул рисолалар ўз тилларида ўлмадигиндан маъносини болалар тугул, муаллимларнинг ўзлари ҳам дуруст билмас эдилар. Хол бўйла ўлса, усули савтиядан на фойда ўлсун, албатта, оз муддатда ҳалқни ҳам, муаллимларни ҳам усули савтиядан кўнгиллари қолиб, усули қадимияга қайтмақлари табиий, ҳам қайтдилар. Эмди эса, алхамдулиллоҳ, ул замонлар ўтиб, Туркистон мусулмонларини ул вақтларда дамини кўрсатган усули савтия бу вақтларда бошқа аъзоларини ҳам кўрсатмакка бошлади. Истанбулдан, Мисрдан, Қозондан ва ҳар тарафдан муктадир муаллимлар қолиб, охиста-охиста ҳар ердан мактаб очмакка, Туркистон муаллимларина усули савтия надан иборат эконин имтиҳонлар воситаси ила билдурмакка бошладилар. Туркистон муаллимлари ҳам усули савтия болаларига ҳарфларнинг овозлари ила танитмок, ўқулгон сўзларни ёздириб, маъносини билдирмак, Бедил, Хўжа Ҳофизлар каби форсий ва мушкул китобларнинг бадалига эътиқод, имло, ҳуснихат, илми ҳол, ҳисоб, тарихи ислом, жўгрофия, ҳандаса, ҳайъат ва соирлар каби диний ва дунёвий илмларни ҳар қимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмакдан иборат эконин билиб, ҳар бирларининг кўнгилларига усули савтияни қайтадан қабул этмак фикри тушди. Лекин на қилсунлар, бу этилмиш ишларнинг ҳеч бирини доир ўз тилларида ёзилмиш китоблари йўқ. Истанбулча, тоторча ёзилгон китоблардан эса ўз тилларини дуруст билмаган ёш болаларга бир нарсани билдирмак мумкин эмас даражада машаққатдур.

Эмди Туркистон мактабларина усули савтиянинг умуман жорий бўлмоғонида бир манъи

бор эса, ул хам китобсизликдир. Чунки факир усули жадида тарафчиси ўлдигиндан кўринган муаллимни усули жадида таклиф этмакда ва алардан «Ўз тил ва хатимизда китоб йўк, тоторча китобларни ўзимиз билмаймиз, билсамиз хам, болаларга билдира олмаймиз», жавоблари ила алзом этилмакда ўлдигим каби ўзим хам беш йилдан бери китобсизлик меҳнати чекмакда, болаларга ўқитган нарсаларимни алифбога кадар Туркистон тили ва хатига таржима килиб, ёзиб ўтмакдаман. Модомики, хол бўйла экан, Туркистон мухаррирлари ханузгача усули жадида китобларини тахрир ва таржимасини шуруъ этмаганлари факир калам ожизонасини, гарчи холига номуносиб ўлса хам, оли кадар алхол усули жадида китобчаларини тахрир ва таржимасини махсур ва мажбур этди.

Хар ишни алифбосидан, яъни аввалидан бошлаб килмак конуни адабдан ўлдиги учун тахрир этгон китобчаларимни бошлаб алифбосини, яъни бу «Адиби аввал»ни бостириб хурматлу мухаррир ва муаллимларимизни интизори олияларина тақдим этмагим ила баробар рижо килурмизки, маним бу китобчамни назари диққат ила боқуб, кўрингон нуксонлариндан усули савтияга хилоф ўлгон ёки болаларга билдурмаки мушкул ўлгон ерларидан факирни огох килмак ила ёрдам берсалар, шоядки 2-чи табъиким бенуксонрок ўлурди. Вассалом.

*«Тужжор» газетаси, 1907 йил, 8 октябр*